

# MAKTAB VA HAYOT

ISSN 2010-5460

4 2012

*Ilmiy-metodik jurnal*

## *Ushbu sonda:*

Maktab va o'qituvchi shaxsi

2-bet

Turli tasnifdagi oilada tarbiyalanayotgan bolalarning oilaviy munosabatlar to'g'risidagi ijtimoiy tasavvurlari

13-bet

Chet tillarini o'rganishda uslubiy yordamni takomillashtirish masalalari

22-bet

Imkoniyatlari cheklangan o'quvchilarda kasbiy qiziqishlar shakllanishi pedagogik-psixologik muammo sifatida

27-bet

Воспитание великодушия (толерантности) у студентов на примере занятий по иностранному языку

Стр. 31





Ilmiy-metodik jurnal



### ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Борис Бляхер  
Бахтиёр Дониёров  
Рисбой Жўраев  
Хайрулла Зикриллаев  
Нарзулла Муслимов  
Хикматулла Рашидов  
Шариф Эргашев  
Гулбахор Ядгарова  
Исмоил Хайдаров

Муассис:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Журнал  
2001 йилдан чиқа бошлаган.

### МАНЗИЛИМИЗ

100022, Тошкент ш., Қушбеги  
мавзеси, 16А уй,  
Тел/факс: 8 (371) 250-04-69  
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келмавермайди. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Муаллифларнинг фамилияси, исми, шарифи уларнинг паспортлари маълумотларига мувофиқ ҳолда ёзилади.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

Фамилия и инициалы авторов пишется согласно данных их паспорта.

Журналдан кўчириб босилганда  
"МАКТАВ VA HAYOT" дан олинди,  
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 1019



### Мундарижа:

Р.ЯРМАТОВ – Мактаб ва ўқитувчи шахси	2
С.Б.УМАРОВ – Таълим технологиясининг назарий асослари	3
М.С.ЎРИНОВА – Ўқувчиларда ижодий фаолиятнинг фаоллашуви ва самарадорлик	5
Н.ТОШЕВА, Г.БОЙМУРОДОВА – Ўқувчи – билиш жараёнининг субъекти сифатида	7
Д.А.ХИДОЯТОВА – Таълим-тарбия олиш жараёнини такомиллаштиришда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари	10
Г.А.ҚУРБОНОВА – Оиладаги тарбия – унинг мустаҳкам бўлишига асос	11
Г.С.ЮНУСОВА – Турли таснифдаги оилада тарбияланаётган болаларнинг оилавий муносабатлар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари	13
З.К.ХАКНАЗАРОВА – Касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда профессионал-педагогик компетентликни ривожлантиришнинг аҳамияти	15
Г.М.АДИЗОВА, Д.Р.ТУРАЕВА – Касб-хунар коллежлари педагоги шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи факторлар	17
К.А.ЗОЙИРОВ, А.А.ҚЎШОКОВ – Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг технологик тайёргарлик сифатини ошириш масалалари	20
Д.И.ЭРГАШЕВА – Чет тилларини ўрганишда услубий ёрдамни такомиллаштириш масалалари	22
О.А.КЎЙСИНОВ, Д.Н.МАМАТОВ, Ж.Э.ПАРДАБОЕВ – Талабаларнинг малакавий педагогик амалиётини ташкил этиш ва бошқаришнинг электрон тизими	23
Д.Т.ПЎЛАТОВА – Фонетик- фонематик нутқ камчилигига эга болалар таълими ва тарбияси – бунда ўзаро ҳамкорлик муҳим	25
М.Т.ЖАЛАЛОВА – Имкониятлари чекланган ўқувчиларда касбий қизиқишлар шаклланиши педагогик-психологик муаммо сифатида	27
Д.Р.МАДАЗИЗОВА, С.О.САФАРОВА – Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар «Хаёт фаолияти хавфсизлиги» фани мисолида	29
Ф.М.АХМЕДОВ – Воспитание великодушия (толерантности) у студентов на примере занятий по иностранному языку	31
И.В.КЛИМЕНКО – Технология контекстного обучения как фактор формирования профессиональной компетентности будущего педагога	33

### ИЛОВА:

1. Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик ташхис комиссиялари тўғрисида Низом
2. "Хавфли гуруҳ"га кирадиган болаларнинг руҳий ҳолатидаги салбий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, таълимга жалб этиш ва буш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда жиноятга мойили бор ўқувчилар билан алоҳида ишлаш механизми (методик тавсиялар)





Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш вазиятида эса уларнинг шахсий фаолияти таълимнинг самарали усуллари бўлиб, бу жараёнда ўқувчилар субъект мавқеини эгаллайдилар. Бундай вазиятда шахсий ёндашув ҳосил бўлиб, зўриқиш методлари ўрнини билиш жараёнида ўқувчиларнинг кучларини бирлаштириш методи эгаллайди. Бундай шароитда ўқитувчи фаолият объекти сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчилар муайян даражадаги мустақилликка эга бўладилар.

Билиш фаолиятининг субъект-субъект характерга эга бўлиши замонавий дидактика талабларига мос келиб, бу ўз навбатида билиш фаолиятини ривожлантириш вазиятида биринчи даражада эҳтиёжга айланмоқда. Таълим мазмуни ва методлари биринчи навбатда ўқувчиларнинг ривожланиш даражаларига мос келиши лозим.

Бу йўналишда ривожлантирувчи таълим ғоясини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бирок, бoshlang'ich синфларда ривожлантирувчи таълим назариясини қўллашнинг дидактик хусусиятларини аниқлаган ҳолда ишланмаларни татбиқ қилиш талаб этилади. Бунинг учун, ҳамкорликка асосланган таълим жараёнида ўқитувчининг башорат қилувчилик вазифаси муҳим ўрин эгаллашини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ўқитувчи ўқувчиларга янги билимларни тақдим этиб, уларни ўзлаштириш усулларини ўргатади. Ўқув фаолияти субъектларининг ўзгариши бугунги кунда таълим жараёнида билиш вазиятини янада самарали ташкил этишга олиб келади. Бунинг учун бoshlang'ich синф ўқувчиларига таълим беришнинг янада мақбулроқ усулларини ишлаб чиқиш тақозо қилинмоқда.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Д.А.Хидоятлова, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти қатта ўқитувчиси

Бугунги кун ўқитувчисидан таълим жараёнида янгича ёндашув асосида ахборотларни етказишнинг турли хил йўлларида фойдаланиши талаб этилмоқда. Тезкор ўзгарувчан жараёнда замонавий ўқувчи бир вақтни ўзида турли хил манбалардан ахборотларни олмақда. Масалан, ўқувчи-талабалар уяли телефондан фойдаланиб, интернет тармоғидан ахборот олмақдалар, шунингдек, шу ернинг ўзида у дўсти билан гаплашиб, ахборот алмашмоқда, яна шу пайтда ўзида ўқитувчи етказаятган маълумотни англаб олиши керак. Энди тасаввур қилинг, ўқитувчи мана шу жараёнда ўзини яққол намоён эта олмаса, унинг бераётган маълумоти етарли даражада ўзлаштирилмайди. Бу эса, ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмади дегани. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг 2-чақириқ XIV сессиясида сўзлаган маърузасида. "Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажакги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ", деган эди. Биз ўқитувчиларга етук кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилган, бу соҳада камчиликларга йўл қўйиш улкан йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун тажрибаларга суянган ҳолда қуйидагилар тавсия этилади: биринчидан, ўқитувчи таълим бериш жараёнига ижодкорона ёндашган ҳолда тайёргарлик кўриши, жараёнда бор эътиборни жалб этиш учун визуал ранг-

барангликка; иккинчидан, индивидуал ёндошган ҳолда дарс жараёнини ташкиллаштириши, бунда, ўқувчи-талабаларнинг ёши, психологик хусусиятлари, тайёргарлик даражаси, хоҳиш-истаги, дунёқараши, имкониятлари, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим олувчилар учун осон тилда, тушунарли ва, албатта, қизиқарли равишда етказиш керак, учинчидан, бераётган маълумотларни янгича, турли хил кўринишлардан фойдаланиш орқали етказиш, шу ўринда интерфаол методлар тавсия этилади, тўртинчидан, таълим жараёнига моҳирона ёндошиш, яъни турли хил кўзда тутилмаган вазиятлардан чиройли чиқа олиши, тўғри рағбатлантира олиши, вақтни самарали тақсимлай олиши, бешинчидан, таълим олувчилар билан дўстона муносабатда бўлиши (улар кўрқиши эмас, хурмат қилиши лозим).

Ижодкор, изланувчан, янгиликлардан биринчилардан бўлиб хабардор бўлаётган, ҳозирги новатор авлодни таълим-тарбияси жараёнига янгича ёндошувни татбиқи сифатида қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин:

- "Кайс" (қути) методи;
- SWOT - таҳлил;
- STEP - таҳлил;
- ТРИЗ (ихтирочилик вазифаларини ечиш назарияси - теория решения изобретательских задач) - методи ва ҳ.з.

### "SWOT-таҳлил" методи.

- S - куч
- W - кучсиз томони
- O - имконият
- T - хавф-хатар
- S strength - куч;





W weaknees –  
кучсиз томони;  
O opportunity –  
имконият;  
T threat – хавф-  
хатар:

<b>S</b> куч	<b>W</b> кучсиз томони
<b>O</b> имконият	<b>T</b> хавф-хатар

“SWOT – таҳлил” методидан таълим жараёнида фойдаланишда, бирон бир муаммо тўрт томонлама таҳлил қилинади. Бу методни яқка тартибда ёки гуруҳларга топшириқ бериб ўтказиш тавсия этилади. Яқка иш учун 15-17 дақиқагача, гуруҳлардаги иш учун 10-15 дақиқа берилди. Таҳлил натижаси намойиш (презентация) қилинади.

Таҷрибалар шуни кўрсатдики, “SWOT – таҳлил” методи орқали ўқувчи ва талабаларда:

- бериладиган ёки дуч келадиган муаммоларни тўрт томонлама таҳлил эта олиш кўникмалари ошади;

- оз вақт ичида мураккаб таҳлил кўринишини олиб бориш малакалари ошади;

- таҳлиллар натижасига кўра, тўғри хулоса қила олиш билимлари ривожланади;

- ўқувчи ва талабада муаммо ва вазиятларга тўғри баҳо бера олиш кўникмалари ошади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, интерфаол методлар асосида таълимни ташкил этиш, биринчидан, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, иккинчидан, ўқувчиларнинг мустақил ўқиб-ўрганишлари, учинчидан, уларда ўқув материалларини ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитни яратишга ёрдам беради. Бунинг таъсирида, яна

шунингдек, ўқувчи ва талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва мустақил, эркин фикрлаш қобилияти ривожланадики, мазкур ҳолат таълим сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади. Шу боис ўқитувчиларда интерфаол методлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантирувчи педагогик тизимни ишлаб чиқиш долзарбдир. Тезкор ўзгараётган жараёнда ўқитувчи замон билан ҳамнафас бўлиши, интернетдан самарали фойдалана олиши, ўзининг педагогик маҳорати орқали таълим жараёнида намоён этиши ва албатта, ўқувчи-талабалар билан дўстона муносабатда бўлиши талаб этилмоқда. Мана шундай ўқитувчининг берган билими, ахборотлари ўқувчи ва талабалар томонидан мақсадга мувофиқ ўзлаштирилади. Бу эса, келажакда етук, билимли кадрларни етишиб чиқишига асос бўлади. Бу фикрнинг асоси сифатида юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”, деган сўзлари мисол бўла олади.

### Адабиётлар

1. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. Т.: Ўқитувчи. 2004. 104 б.
2. “Глобальное образование”: теория и практика. ЮНИСЕФ ЦАРК, 2004. 180 с.

## ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ – УНИНГ МУСТАҲКАМ БЎЛИШИГА АСОС

Г.А.Қурбонова, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Муסיкий педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи бугунги ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шаклланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки давлат мустақил фикрлайдиган, руҳи комил, дили пок инсонлар томонидан қурилади ва мустаҳкамланади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов оилага бўлган муносабатларини ушбу сўзлар билан ифодалайди: “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни саклайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз керак”.

Бола тарбияси жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Тарбиянинг асосий ўчоғи оиладир. Тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир. Маълумки, шахснинг кадри унинг жамиятдаги тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жиҳатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади. Табиийки, боланинг илк тарбиячиси ота-она ҳисобланади.

Болаларни оилада тарбиялаш давомида уларга ҳаёт ҳақидаги, одамларнинг яхши ва ёмон хулқлари, жамиятда бажарадиган ишлари ҳақидаги дастлабки тасавурларни бериш лозимдир. Болаларнинг оиладаги фойдали одатларни ўзлаштиришлари ҳамда ҳаёт таҷрибаларини орттиришлари улар тарбиясида улкан аҳамиятга эга бўлади.

Тарихдан бизга маълумки, буюк алломаларимиз бола тарбиясига жиддий эътибор кўрсатиб, бу ҳақида ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Ризоуддин ибн Фаҳруддиннинг “Оила” номли рисоласида “Бола тарбияси ёмон ният билан эмас, балки сабр-тоқат, матонат, меҳрибонлик, чидамлилик, шафқату сезгирлик билан бўлиши керак. Бундан болани тизгинсиз ҳайвон каби ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак деган гап чиқмайди. Зарар билан фойдани айира олмаган ёш гўдакни назоратсиз тутиш улуғ хатоликдир. Балки уни қаттиққўллик билан юмшоқлик ўртасида, адолат билан тарбия қилмоқ керак”лиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Тиб илмининг султони Ибн Сино ёш болани яхши ахлоқли, жисмоний соғлом бўлиши учун тарбия

